



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 10 май, № 94 (4757)

Якшанба

ЭЗГУ ИШЛАР ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТИЛМАЙДИ

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан Эълон қилинган 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда.



Истиклол йилларида ушбу кун инсон хотираси ва қадрли улуғладанган муҳим тарихий санага айланди.

Миллионлаб инсонлар умрига завол бўлган, юзлаб шахару қишлоқларга вайронгарчилик, офат келтирган фашизм устидан қозонилган ғалабада ўзбек халқининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ўз юртидан олисларда кечган беаёв жангларда жон олиб, жон берган ватандошларимизнинг жасорат ва матонати, фронт ортида тунларни тоғларга улаб меҳнат қилган, сўнгги нонини ҳам ўзгалар билан баҳам кўрган ҳаюртларимизнинг фидойиликларини қалбларда мангу яшайди.

Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуг. Ўтганларни, уларнинг хайрли ишларини, жасоратини ёдга олмак, эъозламоқ халқимизга хос эзгу фазилатлардандир. Шу боис Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жангдошлардан

омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган, машаққатли дақиқаларда ҳам ўзлигини йўқотмаган, имони бутун момоларимизга хурмат-эҳтиром кўрсатиш том маънода миллий қадриятга айланди.

Президентимиз Ислон Каримовнинг шу йил 15 апрелда қабул қилинган Фармонида мувофиқ, Хотира ва қадрлаш куни муносибати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг пул мукофотлари билан тақдирланиши уларга кўрсатилган эҳтиромнинг яна бир ёрқин намунасидир.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қанчондан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Майдон узра маҳзун мусиқа таралади. Жангларда қурбон бўлган ватандошларимизнинг номлари абадий муҳрланган "Хотира китоби"нинг зарҳал варақлари қарийб 435 минг

нафар ўзбек фарзандларининг жасоратидан сўзлайди.

Соат 8.30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар кўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига хурмат бажо келтирди.

— Бугун мамлакатимизнинг барча шахар ва қишлоқларида Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланмоқда, — деди Ислон Каримов. — Биз Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг номлари ва хотирасини ёд этар эканмиз, табиийки, уларнинг ўчмас жасорати олдида бош эгамиз. Бугунги эркин ва озод ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз учун жон берган, ҳалок бўлган ватандошларимизни эслаш, орамизда яшаб келаётган уруш қатнашчиларини қадрлаш ҳар бир инсон учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

— Шу борада бир фикрга эътиборингизни қаратмоқчиман, — деди давлатимиз раҳбари. — Маълумки, урушдан олдин Ўзбекистонда 6,5 миллион аҳоли яшаган. Шундан 1,5 миллионга яқин одам урушда қатнашган. Ўша вақтда юртимиз аҳолисининг ярмини болалар ва кексалар ташкил этганини инобатга оладиган ва улар қатарига аёлларни ҳам қўшадиган бўлсак, бу рақам нимани тасдиқлаб беради?

Бу шуни кўрсатадики, қурол кўтаришга қодир бўлган юртдошларимизнинг тахминан 70-80 фоизи бу бешафқат урушда бевосита иштирок этган. Бу ҳақиқатни ҳеч ким ҳеч қачон эсдан чиқармаслиги керак.

Шу маънода, бугун Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 64 йиллигини нишонлар эканмиз, бундан ўн йил олдин бу санани юртимизда Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилганимиз нақадар чуқур уйланганини, унинг теран маъно ва мазмунга эга эканини бугунги ҳаётнинг ўзи яна бир бор тасдиқламоқда.

Нафақат бизнинг миллиятимизда, балки бошқа халқларда ҳам ўтганларни эслаш, хотирлаш, бугун ҳаёт бўлган кексаларни қадрлаш — муқаддас қадриятлардан бири эканини ҳаммамиз яхши биламиз.

— Эзгулик, савобли ишлар бесамар кетмайди, — деди Президентимиз. — Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, ҳар кун қилиши керак. Бу халқимизга хос фазилат бўлиб, унинг замирида чуқур маъно-мазмун мужассам.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Ўтмишини хотирламайдиган халқнинг эртаси ёруғ бўлмайди. Ҳар бир халқ ва миллат кечаги ҳаётдан, ўзи босиб ўтган яхши-ёмон кунлардан, тарих синовларидан зарур хулоса ва сабоқлар чиқармоғи зарур.

— Биз учун, юртимиз учун тинчлик ва осойишталик ҳамма нарсадан қадрлидир. Биз яқин ва узоқ кўнралимиз билан тенг ва ўзаро хурматга асосланган сиёсатни, ўзаро манфаатли, дўстона алоқаларни давом эттиришни, нафақат бугунги авлод, балки келажақ авлодимиз ҳам уруш балосини кўрмаслигини истаймиз, — деди Юртбошимиз.

Барчамизга маълумки, бугунги кунда бундан ўттиз йил олдин Афғонистонда бошланган урушнинг, афсуски, ҳали-бери охири кўринмайди. Бизнинг Афғонистондаги вазиятини тинчитиш бўйича позициямиз аниқ ва равшан: яъни, бу можарони фақатгина ҳарбий йўл билан ҳал қилиб бўлмаслигини яна бир бор таъкидлаймиз.

Жафокаш афғон халқининг шунча йил давомида кўрган азоб-уқубатларини, бугунги оғир аҳолини инобатга олиб, авваламбор, вайрон бўлган иқтисодни тиклаш, одамларга хизмат қиладиган инфратузилмани ривожлантириш керак. Токи, бу юртда яшаётган ҳар қайси инсон бу ўзгаришларнинг таъсирини ўзининг, оиласининг ҳаёти мисолида кўрсин.

Шу билан бирга, Афғонистон халқини, унинг тарихини, маданиятини, диний-миллий қадриятларини топташ эмас, аксинча, хурмат қилиш йўли билангина турли миллат ва



элатларни бир-бирига яқинлаштириш, у ерда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилши мумкин.

— Бугунги кунда бизнинг бундай қатъий қарашимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланаётганидан, ўйлайманки, халқимиз яхши хабардор, — деди Ислон Каримов.

Мамлакатимиздаги тинчлик, осойишталик боис шахар ва қишлоқларимиз обод, турмушимиз фаровон. Амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари — кўз ўнгимизда қад ростлаётган бетакрор иншоотлар, таълим ва тиббий муассасалари, кўприк ва равон йўллар, боғ ва хиёбонлар, замонавий технологиялар билан жиҳозланган қудратли корхоналар — буларнинг барчаси юртимизда қарор топган тинчлик ва осойишталик туфайлидир.

— Ватанимиз тараққийига хизмат қиладиган ютуқларимиз, бойликларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз, — деди Президентимиз. — Аммо энг катта бойлигимиз — бунёдкор халқимиз, эртанги

кун эгалари бўлмиш оловқалб ёшларимиздир.

Шу фурсатдан фойдаланиб, азиз фарзандларимизга, ёшларимизга қаратиб айтмоқчиман:

Сиз, азизларим, биз бошлаган ишларнинг давомчиси сифатида олдимизга қўйган мақсад — ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, демократик, озод ва обод жамият қуришда эртага асосий ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётганингизни чуқур ҳис этиб, замонавий билим, замонавий тараққийёт сирларини эгаллашга, албатта, қодир бўлишингиз керак.

Биз кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Ўтмиш тарихимизни чуқур ўрганиб, бир сўз билан айтганда, ўзлимизни англаб, ота-боболаримизнинг мардлиги ва жасоратидан доимо фахрланиб-ғурурланиб яшашимиз зарур.

— Ёшларимизнинг ғайрат-шижоатини, ўз кучига ишончини, элу юртидан ғурурланиши

туйғуларини кўрган, улкан мақсадлар билан яшаётганини кузатган ҳар қандай одам Ўзбекистоннинг келажаги чиндан буюк эканига ишонч ҳосил қилади, — деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

...Хотира майдонига қадам қўйган кишини ўтмиш ҳаёлати чулғаб олади. Бу майдон нафақат ўтганлар ёдини, балки халқимизнинг кемишини ўзида мужассам этган тарих китобига ўхшайди. Бу ерга келган ҳар бир инсон қалбиди шу табаррук юрт барчамизники, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш муқаддас бурчимиздир, деган эзгу туйғу жўш уради.

Шу кунги Мотамсаро она ҳайкали пойи баҳор чечакларига бурқанди. Юрт озодлиги ва равнақи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига хурмат бажо этиш учун келган зиёратчиларнинг қадами кечага қадар узилмади.

Воҳид ЛУҚМОН,
ЎзА мухбири.
Сервор УРМОНОВ
олган суратлар.

Мамлакат бўйлаб

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Сурхондарё вилоятида корейлик ишбилармонлар иштирокида иккита қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Шербод туманидаги «Агрохизмат-Шиндонг» қўшма корхонаси 553 минг АҚШ доллари қийматидаги замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Қўшма корхона директори Боймурод Абдуолимовнинг таъкидлашича, бу ерда 120 нафардан зиёд ишчи меҳнат қилмоқда. Кунига 80 тонна чигитни қайта ишлаш қувватига эга замонавий корхонада тайёрланаётган сифатли истеъмол ёғи ва тўйимли чорва озуқаси харидордир. Келгусида корхона қувватини ошириш эвазига маҳсулотнинг бир қисмини хорижга экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

Жорий йилнинг тўрт ойида корхонада 1 минг 114 тонна истеъмол ёғи, 22 минг 974 тонна шрот ва 2 минг 79 тонна шелуха ишлаб чиқарилди. Жанубий Корея сармоядорларининг қимматбаҳо санаот хом ашёси — пахтани қайта ишлашга катта қизиқиш билдираётгани рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш ва экспорт ҳажминини оширишга хизмат қилмоқда. Хусусан,

корейлик ишбилармонлар ва сурхондарёлик тадбиркорларнинг ўзаро шериклиги асосида яна бир янги субъект — толани қайта ишлаб, калава ип тайёрлайдиган «Shindong Spinning Terme» қўшма корхонаси барпо этилди. Йилга уч минг тонна сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада 275 киши меҳнат қилмоқда. Тайёр маҳсулотнинг бир қисми хорижга экспорт қилинаётган бўлса, бир қисми мамлакатимиз тўқимачилик корхоналарига етказиб берилмоқда.

Қўшма корхона тўқувчилари йилнинг ўтган даврида 1 миллиард 304 миллион сўмликдан ортиқ калава ип ишлаб чиқарди. 163 миллион 200 минг сўмлик 51 тонна маҳсулот Жанубий Корея ва Хитойга экспорт қилинди. Айни пайтда яна 250 тонна маҳсулотни хорижлик буюртмачиларга жўнатиш учун ҳозирлик қўрилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

Нўмонжон, Нёвматжон, Кўчқорбой Боймуродовлар Қўрғонтепа туманининг Чимбё қишлоғида истиқомат қиладилар.

150 киши ишли бўлади

Туманининг пешқадам тадбиркорларидан саналган оға-иниллар лайпоқ тўқишини йўлга қўйдилар. Бунинг учун хориждан замонавий дастгоҳлар келтирилди. Маҳаллий ёшлардан 15 нафари иш билан таъминланди. Дастлабки 10 миллион сўмлик маҳсулот шартнома асосида савдо шоҳобчаларига етказиб берилди.

Мавжуд дастгоҳлар тўла қувват билан ишлаб бошлаган, 150 киши ўзининг доимий иш ўрнига эга бўлади.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кичик бизнес тараққий этмоқда

2009 йилнинг биринчи чораги мобайнида республикамизда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ўтган йилнинг тегишли давридаги 35,1 фоиз ўрнига

36,2



фоизгача кўпайди.

Жойларда кичик бизнес субъектларини янада ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар қўрилётгани, уларга бир қатор имтиёзлар берилиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани туфайли шундай ижобий ўсишга эришилди.

БИР РАҚАМ ШАРХИ

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўرғазмалар залида 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган «Санъатдаги гўзаллик мангудир» деб номланган кўрғазма ташкил этилди.

Фахрий рассомлар кўрғазмаси

Унда уруш ва меҳнат фахрийлари, ёши улуг мусафирларнинг ижод намуналарига кенг ўрин берилган.

Кўрғазманинг очилишида Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида уруш ва меҳнат фахрийлари, ёши улуг кишиларга хурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш,

(Давоми 2-бетда).

Норин туманида Бандик дастури ижросини таъминлаш йўлида қасаначилик имкониятларидан оқилона фойдаланилмоқда.

Ҳам уй бекаси, ҳам қасаначи

Жумладан, жорий йилнинг биринчи чораги давомида яратилган 1129 та янги иш ўрнининг 400 тадан ортиғи қасаначиликни ривожлантириш орқали шакллантирилди.

Туманда фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш корхоналари ва тадбиркорлик субъектлари уй бекалари билан ўзаро манфаатли шартнома тузиб, уларни халқ истеъмоли моллари тайёрлашга жалб этмоқда. Йил бошидан буён 105 нафар кўз-жуфон ана шу имкониятдан фойдаланиб, меҳнат дафтарчасига эга бўлишди. Пудрат шартномаси асосида эса 249 киши мўқим иш жойини топди.

Н. ҚУДРАТИЛЛАЕВ.

«Сиёб чашмаси»нинг гипсокартонлари

Тайлоқ туманидаги «Сиёб чашмаси» фирмасида қурилиш учун энг керакли материал — гипсокартонлар ишлаб чиқарилмоқда.

Ички бозорда деворбоп ва шифтбоп бундай қурилиш ашёларига талаб ниҳоятда катта. Шу боис фирмада унинг турли хил бичимларда тайёрланиши йўлга қўйилди.

Аҳамиятлиси, фирмада гипсокартон цехининг очилиши туфайли 120 киши доимий иш билан таъминланди.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

ТАРИХИЙ ХОТИРАСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

Тарихий хотира билан яшаш, инсон ёдини азиз билиб, ўтганлар хотирасига юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш асл миллий қадриятларимизга хосдир. Қолаверса, бугунги осойишта ва фаровон кунларни орзу қилиб, шу мақсадда жон койитган, эл-юрт манфаатлари йўлида сидқидилдан тер тўққан фидойи кексаларимиз, меҳнат фахрийларини эъзозлаш, уларга меҳр кўрсатиш ҳам халқимизга хос бағрикенглик ифодаси саналади. Бундай эзгу анъаналаримизнинг бардавом яшаб келаётганлиги эса ёш авлоднинг миллий ўзлигимизга чуқур ҳурмат руҳида тарбиялаб, камол топтиришга хизмат қилади.

НУРОНИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

саъй-ҳаракатлар фақат айём кунларидагина эмас, ҳамиша ва ҳар дам амалга оширилади. Хусусан, уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган

нийларимиздан 80 нафари Бухоро шахрини зиёрат қилишди, — дейди "Нуроний" жамғармасининг Самарқанд вилояти бўлими раиси Ҳасан Нормуродов. —

Ўсиб келаётган авлодни Ватанга садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда уларнинг ҳаётий тажрибаси, ибратли ўғитларининг аҳамияти бекиёс.

Энг муҳими, халқимиз, айниқса, ёшларимиз онгу шуурида ўтганларни ёд этиш, қолаверса, бугун биз билан ҳамнафасликда яшаётганларни қадрлашдек инсоний фазилатлар тобора мустаҳкам илди оتماқда. Бу ёруғ ва дориламон кунларга эришмоғимиз учун жонини ҳам аямаган чин ватанпарвар аждодларимиз руҳини шод этиш, ҳаётимиз фойизи бўлмиш отахонларимиз ва мунис онахонларимиз дуосини олиш, тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиш маънавий-руҳий мадад сифатида қалбларимизни нурафшон этиб, бизни мудом эзгуликлар сари ундайверади.

Мавлон БОБОХОҲОНОВ.

Шу кунларда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Хоразм вилоятидаги барча таълим муассасаларида "Инсон қадри азиз, ўтганлар хотираси муқаддас" мавзусида учрашувлар, маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

ФАРОВОН ҲАЁТ ЗАВҚИ

Ушбу тадбирлар доирасида Иккинчи жаҳон урушида қатнашган юртдошларимиз ҳақида хикоя қилувчи фотосуратлар ҳамда китоблар кўргазмаси намойиш этилмоқда.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши ва "Нуроний" жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилаётган тадбирларда иштирок этган Иккинчи жаҳон қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, ёзувчи ва шоирлар мамлакатимизда кекса авлод вакиллари-ни қадрлашга, ижтимоий ҳимояга муҳтож юртдошларимизни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидламоқдалар.

Президентимиз раҳнамолигида аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш йўлида олиб борилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар бугунги осуда ҳаётимизда ўз ифодасини топаётгани қайд этилмоқда.

"Нуроний" жамғармасининг Хоразм вилояти бўлими раиси Баҳодир Бобононовнинг айтишича, ҳоҳда 776 нафар уруш фахрийси истиқомат қилади. Улуғ ёшга етган бу инсонлар ҳолидан хабар олиниб, уларга давлатимиз раҳбарининг шу йил 15 апрелда қабул қилинган Фармонида мувофиқ, пул мукофоти ҳамда вилоят ҳокимлигининг қўлланма ҳисобидан совғалари топширилади.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бугун Самарқанд вилоятида ҳам ана шундай ибратли саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Айни пайтда юртимиз микё-сидда кенг нишонланаётган Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қат-

нашчилари, нуронийлар иштирокида қўллаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Бундай учрашувларда ўғил-қизларимиз кўпни кўрган кексаларнинг мазмундор сўхбатларидан баҳраманд бўлишяпти.

Аслида, бу сингари хайри

фахрийларга пенсия ва нафақалардан ташқари, ҳар йили турли кўринишда ижтимоий ёрдам кўрсатилмоқда. Улар санаторий ва курортларда даволаниш, протез-ортопедия жиҳозлари, ногиронлар аравачалари ва бошқа реабилитация воситалари билан таъминланиш, жамоат транспортларида бепул юриш ҳамда коммунал хизматлар бўйича компенсациялар олиш сингари имтиёзлардан баҳраманд бўлишяпти.

Каттақўрғон шаҳрида ишга туширилган "Марварид" дам олиш профилакторийи эса нуронийларимизни янада қувонтирди. Бу ерда уларнинг саломатликларини тиклаш учун барча шароити муҳайё қилинган. Бир сўз билан айтганда, вилоятимизда истиқомат қилаётган 1600 нафардан зиёд уруш фахрийси доимо халқимиз ва давлатимиз эъзозидан. Бундай ғамхўрликлардан мансун кексаларимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиб ёшларга ибрат бўлишяпти.

Кексалари бор хонадондан файзу барака, аҳиллик ва тотувлик аримайди. Бу — асрлар синовидан ўтган ҳақиқат. Ана шу ҳақиқат бугун наинки ўзбек оиласи учун муқаддас қадрият, балки мустақил давлатимиз сиёсатининг устувор тамойилларидан бирига айланди.

МЕҲР ВА МУРУВВАТ ОҒУШИДАМИЗ

Инсон кексайганида эътибор, ширин сўз, меҳр-мурувватга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эҳтиёж сезар экан. Шу маънода, айни кунда биз, кекса авлод вакилларига кечиксиз ҳурмат-эҳтиром кўрсатилаётипти. Ҳаёт йўлимиз, ўтути насихатларимиз ёшлар учун ибрат, намуна. Айниқса, Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан хонадонимиздан йўқловчилар, ҳол сўровчилар, саховат кўрсатувчилар қадами узилмай қолди.

Кўлаверса, Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармасининг Чимбой тумани бўлими маслаҳатчиси сифатида туманимизда истиқомат қилувчи нуронийларга кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг бевосита гувоҳиман. Оилавий аҳволимиз, саломатлигимиз доимий эътиборда. Қорақалпоғистон Республикасининг Тахياتош шаҳрида жойлаш-

Дил сўзи

Келиб хордиқ чиқариш ади. Шунингдек, юртимизнинг Хива, Самарқанд, Бухоро сингари қадимий шаҳарларига саёҳат қилаёти-

Меҳр-оқибат, хайру саховат, инсонпарварлик ва баррикенглик борасида халқимизнинг азалий қадрият ва анъаналарига ҳавас билан қаровчилар кўп дунёда. Биргина Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан жойларда тадбирларимиз, хайрли амалларимизнинг ўзи ҳам бунинг ёрқин амалии ифодасидир.



ХАЙРЛИ АМАЛЛАР ИФОДАСИ

Байрам муносабати билан Сурхондарё вилоятида ҳам уруш ва меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида юрт озодлиги, халқ осойишталиги йўлида ҳалок бўлган аскар йигитларининг оилаларидан хабар олиниб, уларга меҳр-мурувват кўрсатилаётипти. Фахрийлар иштирокида "Сиз Ватан ардоғидасиз!", "Аждодлар хотираси абадий", "Мардлар мангу яшайдилар", "Ватан Сизни унутмайди!" сингари мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, хотира кечалари, байрам концертлари ва спорт мусобақалари ташкил этилмоқда. Қолаверса, вилоят ёшлари томонидан жойларда "Ғамхўрлик гуруҳлари" ташкил қилиниб, улар фахрийларнинг ҳўжалик юмушларига кўмаклашишяпти.

— Иккинчи жаҳон уруши бошланганида, эндигина институтни тугатган эдим, — деб хотирлайди термизлик уруш ва меҳнат фахрийси Соҳиб бобо Рўзиев. — Урушда оғир яраланган эдим, мени ҳатто ҳалок бўлганлар қаторига қўшиб, дафн этишмоқчи бўлишган. Шунда тиббий хизмат капитани Вера Березина мени ҳаётга қайтарди. У юрагимга кулоқ тутиб, "аскар ҳали тирик, уни сақлаб қолиш мумкин", деб хитоб қилганича, мени госпиталга олиб боради ва туну кун атрофида парвона бўлиб, ўлим гир-

добидан қайтариб олгани. У билан юлдузимиз юлдузимизга қўшилган экан, турмуш қурдик, элимиз фаровонлиги йўлида баҳамжихат меҳнат қилдик. Афсуски, вақт беаёв, қўллаб-қувватлаш дўстларим қатори бугун ёрим ҳам орамизда йўқ. Айтиши жоизки, уруш йилларида Сурхондарё вилоятидан 44,3 мингдан зиёд киши жанггоҳларга сафар-

Ибрат

бар этилган эди. Улардан 14 мингга яқини жанг жадалларида қурбон бўлишди. Қолганлари юртга омон қайтишганди. Ҳозирга келиб улардан 800 нафарга яқини ҳаёт, фарзандлари, яқинлари даврасида умргузаронлик қилишяпти.

— Давлатимизнинг ғамхўрлиги туфайли моддий ва маънавий рағбатдан ҳамиша баҳрамандимиз, — дейди Соҳиб бобо Рўзиевнинг давом эттириши. — Ҳатто ҳасса, қўзойнак, эшитиш мосламаси, дори-дармон ва бошқа зарур воситалар билан ҳам мунтазам таъминланаётимиз. Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республикамиздаги барча сихатгоҳлар, тиббиёт марказлари, шифоналарнинг эшиги доимо очик. Қолаверса, жамоат транспорт, коммунал хизматдан бепул

Гулбоҳор ТАНИРОВА, ўз мухбири.

МАКТАБ ҚУРГАН МУАЛЛИМ

Оқтов ва Қоратов тизмаларида жойлашган Нурота туманидан ўнлаб илм-фан фидойилари, шоир ва ёзувчилар етишиб чиқди.

...Иккинчи жаҳон уруши ҳали бошланмаган, аммо элу улус орасида уруш хавфи билан боғлиқ мишмишлар тарқала бошлаган кезлар. Қишлоқларда ўқимшли инсонлар бармоқ билан санарли. Уша пайтда Утамурод саводсизликка қарши курашишга бел боғлайди. У

Соғинч

шу мақсадда ҳозирги Чўя қишлоғида 13-тўлиқсиз умумтаълим мактабига асос солади. — У вақтларда мактаблар кам. Одамлар фарзандларини 40-50 чақирим узоқликдаги мактабларда ўқитишга мажбур эди, — деб эслайди кекса муаллим Боймат Алматов. — Утамурод ака ташкилотчи эди. Шу боис қишлоқдошларимиз билан ҳамфиқрликда ушбу мактабни хашар йўли билан бунёд этганини кечажидек эдим. Ушанда одамлар, айниқса, болаларнинг нечоғли қувонмади, деясиз... Тиниб-тинчимас муаллим битта мактаб қуриш билан қийоғланиб қолмади. Тез орада Соёкча қишлоғидаги 14-мактабни ташкил этди. Дароқе, ҳозир бу мактабда Папанай, Жилонтамғали, Совуқбулоқ, Тўра ва Равот қишлоқларининг ёшлари таълим олишмоқда.

Иккинчи жаҳон уруши бошланган, У. Халилов биринчилардан бўлиб, жангга отланди. Урушдан сўнг истефодоги майор сифатида қадрдон қишлоғига қайтади ва ўзи севган касбда меҳнат фаолиятининг давом эттиради. Сал кейинроқ эса туманда яна бир янги мактаб ташкил этиб, унга раҳбарлик қилади. — Истиклол йилларида қишлоқ мактаблари ўзгача чирой очди, — дейди 14-мактаб директори Отабек Холдоров. — Бир пайтлар Утамурод ака ана шундай замонавий мактабларни орзу қилган бўлса, ажаб эмас. Бугун Утамурод Халиловдек маърифатпарвар кишиларнинг орзулари ушалди. — Туманимизда Утамурод ака сингари зиёли инсонлар кўп бўлган, — дейди нафақадаги муаллим Данобой Шодиев. — Мен у киши билан анча йиллар бирга ишладим. Керак бўлса, ундан кўп фазилатларни ўзлаштирдим. Кейинчалик мактаб раҳбари бўлганимда бу тажриба кўл келди. Ташаббускор, фидойи инсон Утамурод Халиловнинг хотираси фарзандлари, шоғирдлари қалбида яшайди.

Ўлжабой ҚАРШИЕВ.

Бугун юртимизда инсон қадри, унинг манфаатлари юксак даражада эъзозланмоқда. Бунинг самараси туфайли ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд кишиларга ғамхўрлик, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда ногиронларни моддий ҳамда маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда. Бинобарин, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида эл саломатлигини асраш борасида қўллаб хайрли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

ҒАМХЎРЛИКДАН БАҲРАМАНД ҚАЛБЛАР

Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ҳам ана шундай изчил чора-тадбирлар натижасида барпо этилган шифо муассасасидир. Мазкур марказ 200 ўринга мўлжалланган бўлиб, унинг таркибига ички касалликлар, асаб ва умуртка поғонаси, кўл ва оёқ касалликлари ва жароҳатларининг асратларини даволаш ҳамда ногиронларни протезлаш, ортопедия бўюмлари билан таъминлаш бўлимлари мавжуд.

Шифо масканига мурожаат этган ҳар бир беморга Тиббий-ижтимоий реабилитация комиссияси иштирокида аниқ ташхис қўйилади. Шундан сўнг уларнинг саломатлигини тиклаш ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий ҳамда касбий реабилитация чора-тадбирлари олиб борилади.

Бугунги кунда марказда 6 нафар фан доктори, ўнлаб фан номзода ва олий тоифали шифокорлар хизмат қилмоқда. Бу ердаги маллакали мутахассислар хорижлик ҳамкасблари билан ўзаро тажриба алмашмоқда. Ушбу самарали алоқа-

марказ директори Аскар Мўминов. — Уларга тиббий-меҳнат экспертиза хулосаларини бериш, турли ортопедия бўюмларидан фойдаланишга ўргатиш, ушбу йўналишларда чуқур илмий

тадқиқот ишларини олиб бориш ҳамда уларнинг натижаларини мамлакатимиздаги шундай марказлар роҳларимиз реконструктив-тиклаш жарроҳлиги воситасида таянч-ҳаракат тизими касалликлари ва жароҳатлар натижасида турли анатомик нуқсонлар пайдо бўлган аъзоларни оғир

дарддан фориг этишга муваффақ бўляптилар. Жиззахлик Қурбон ота Эргашев бир ой аввал жарроҳлик столига ётқизилган эди. Тизза бўғимининг деформацияловчи артрози ташхиси қўйилган отахон шу кунгача қаттиқ оғриқдан азият чеккан, оёқлари ўзига бўйсунмай қолганди. Касаллик туфайли тиззасида пайдо бўлган ортиқча суюқлар жарроҳлик йўли билан олиб ташланди-ю, аҳоли яқини томонга ўзаргани. — Бу ердаги шифокорларнинг довуруғини эшитиб, умид билан келгандим, Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Ижтимоий ҳимоя

лаш, умуртка таналарини алмаштириш, тизза бўғими артрозини даволаш, таянч-ҳаракат тизими аъзоларини протезлаш каби даво усуллари муваффақиятли қўлланилмоқда. — Муассасамизда беморларга тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация хизмати кўрсатилади, — дейди

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Махсулотнинг жаҳон бозорида харидорлигини ошириш, целларни кенгайтириб, кўшимча ускуналар билан жиҳозлашни тақозо этади. Ана шу мақсадда яқин йилларда мазкур корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш кув-

ватини 2,5-3 баробар ошириш мўлжалланмоқда. Келгусида қалава ипларни шу ернинг ўзида бўйлаб ҳамда тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш навбатдаги вазифалардандир.

— Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан иш-лаб чиқилган Инқирозга қарши

чоралар дастури корхонанинг бир меъёрада ишлашида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди. — дейди «Shindong Spinning Termez» қўшма корхонаси бош директори Александр Ян. — Ишлаб чиқараётган махсулотимиз буортмачиларга пешма-пеш жўнатилмоқда. Йилнинг ўтган

даврида етмишга яқин ёшларни ишга қабул қилдик.

Сурхондарё вилояти ҳокимлигидан олинган маълумотларга кўра, яқин йилларда Жанубий Корея сармоёси иштирокида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун йирик лойиҳа амалга оширилади. Маз-

кур лойиҳа доирасида Хўжамай-хона чашмасидан Шеробод туманигача бўлган 57 километр ҳамда Бойсун туманида 23 километр масофага ичимлик суви узатиш кувурлари ётқизилади. Тоғли Бойсун туманида кувурларни ўрнатиш билан бир қаторда, замонавий насос станциялари ҳам бунёд этилади.

Х. МАМАТРАЙМОВ,
УзА мухбири.

Дунёнинг турли минтақаларида АН1N1 гриппи тарқалгани боис Ўзбекистонда ҳудудимизга янги инфекциянинг турли йўллари, жумладан, мамлакатимиз «ҳаво дарвозаси» орқали кириб келишига йўл қўймаслик учун барча чоралар кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бўйича бош шифокори Мирсад АЛИМОВ УзА мухбирига бу борада амалга оширилган ишлар хусусида сўзлаб берди.

САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ КУЧАЙТИРИЛДИ

— Ҳозирги шароитда ҳар қандай юқумли касаллик, аввало, авиатранспорт орқали жуда тез тарқалиши амалиётдан яхши маълум, — дейди М. Алимов. — Шу боис Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан ҳамкорликда янги грипп пандемияси бошлангани тўғрисидаги дастлабки маълумотлар тарқалиши билан мамлакатимизнинг барча аэропортларида, биринчи навбатда, бошқа давлатлардан самолётлар келиб қўнадиган Тошкент, Нукус, Урганч, Навоий, Самарқанд, Қарши, Термиз, Андижон, Фарғона, Наманган ва Бўхоро шаҳарлари аэропортларида санитария-назорат ҳамда тиббий пунктлар ишлари кучайтирилди. Барча пунктлар касалликни юқтирилганда гумон қилинаётган шахсларни тезкор аниқлаш ва дезинфекция тадбирларини ўтказиш учун зарур қўшимча апаратура ҳамда воситалар билан таъминланди. Аэропортларда эпидемиологлар, юқумли касалликлар шифокорлари, клиницистлар, ўрта тиббиёт ходимлари ва дезинфекция бўйича инструкторлардан иборат мутахассислар гуруҳининг кеча-қундуз навбатчилиги ташкил этилди.

Ҳаво кемалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қўниши билан, унинг бортига биринчи бўлиб тиббиёт ходимлари чиқади ва экипаж аъзоларидан йўловчилар соғлиғи ҳақида сўрайди. Самолёт трапи тағига тегишли препарат-

лар шимдирилган махсус дезинфекция гиламчаси тўшалади, шунингдек, трап зиналарига ҳам дезинфекцияловчи воситалар сепилади. Шундан сўнггина йўловчилар ва экипаж аъзоларига самолёт бортидан тушишга рухсат этилади. Йўловчиларни қабул қилиш залида санитария-назорат пункти жойлашган бўлиб, бу ерда улар синчковлик билан текширув ва сўровдан ўтказилади, электрон термометрлар ёрдамида уларнинг тана ҳарорати ўлчанади. Уткир респиратор касаллигини юқтирилганда гумон қилинган кишида касаллик, жумладан, грипп аломатлари аниқланган тақдирда, у эздиқ билан санитария-назорат пункти изоляторига жойлаштирилади. Тезкор чақирув бўйича етиб келадиган етакчи мутахассислар — эпидемиолог ва вирусологлардан иборат маслаҳат гуруҳи ташхисни аниқлайди. Агарда ташхис тасдиқланса, бемор олдиндан бундай касалликни қабул қилиш учун жой ҳозирлаб қўйилган юқумли касалликлар шифокорларидан бирига юборилади.

Таъкидлаш керакки, апрель ойи охиридан буюн Тошкент аэропортига дунёнинг турли мамлакатларидан 170 дан ортик самолёт ва 20 минг нафардан зиёд йўловчи ҳамда экипаж аъзолари келди. Уларнинг барчаси ана шундай санитария текширувидан ўтказилди ва АН1N1 гриппига чалинган бирорта ҳам киши қайд этилгани йўқ.

Қисқача айтганда, бугунги кунда мамлакатимизда бирорта ҳам янги грипп билан касалланиш ҳолати рўйхатга олингани йўқ. Бу Ўзбекистонда ушбу инфекцияга қарши амалга оширилаётган профилактик тадбирларнинг самардорлигидан далolat беради. Бу борадаги ишлар комплекс равишда, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг умумий режасига биноан амалга оширилмоқда. Бу жараёнга нафақат давлат санитария-эпидемиология назорати хизмати, балки республикамизнинг даволаш-профилактика муассасалари ҳам жалб этилган. Улар мамлакатимиздаги эпидемиологик вазият осойишта сақланиши, турли юқумли касалликлар, жумладан, янги грипп кириб келиши ва тарқалишига йўл қўймаслик учун, барча мавжуд воситалардан фойдаланган ҳолда, зарур чоратадбирларни амалга оширмоқдалар.

УзА мухбири
А. ИВАНОВА
ёзиб олди.

President Li Myon Bakning
O`zbekistonga rasmiy tashrif buyurishidan
benihoya mamnun ekanligimizni izhor etamiz!

Мы радушно приветствуем
Президента Ли Мён Бака по случаю
его официального визита в Узбекистан!

이명박 대통령의 우즈베키스탄 국빈방문을 지심으로 환영합니다.

HYUNDAI

ЖАҲОН 24 соат ичида

Даромад ўрнига камомад

Дунёда спорт кийимлари ишлаб чиқариш бўйича иккинчи ўрнида турувчи «Адидас» фирмаси Европа ва Осиёдаги бир неча худудий бўлимларини ёпишга қарор қилди.

Бунга фирма махсулотларига бўлган талабнинг камайиб кетгани асосий сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Ушбу ҳолат ўз-ўзидан «Адидас» иқтисодиётига ҳам салбий таъсир ўтказаетир. Масалан, биргина жорий йилнинг дастлабки чораги якуни бўйича компания даромади 80 фоизга камайиб кетган.

Сайловга тайёргарлик

Жорий йилнинг 12 июнида Эрон Ислам Республикасида президентлик сайловлари бўлиб ўтади, дейилади «Франс пресс» ахборот агентлиги хабарига.

Айни пайтда давлат раҳбарлигига номзодлар тегишли сайлов комиссиясидан рўйхатдан ўтмоқда. Мамлакатнинг амалдаги президенти Махмуд Аҳмадийнежд ҳам ушбу сайловга ўз номзодини қўйган. Агар у сайловдан муваффақиятли ўтса, иккинчи муддатга президентликка сайланиши мумкин.

Эрон парламенти ўтган йили президентликка номзодларга жиддий талаб қўйди. Унга кўра, давлат раҳбарлигига 40-75 ёшгача бўлган, магистрлик даражасига эга Эрон фуқаролари номзодини қўйиши мумкин.

Янги экспонатлар топширилди

Янги Зеландиядаги «Окленд» бадий кўргазмалар залига қиймати деярли 150 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 15 та сурат соғва қилинди.

«Нью-Йорк таймс» газетасида ёзилишича, бу асарлар таникли расмлар Гоген, Пикассо, Мундариан, Леже, Брак, Дали, Боннарга тегишли бўлиб, улар АҚШнинг етакчи тижоратчилари Жулиан ҳамда Жози Робертсонлар томонидан тақдим қилинган.

Мутасаддилар янги экспонатлар кўргазма залининг жаҳондаги обрўсини янада оширишга хизмат қилишига умид боғлашмоқда.

«Қизил сайёра» кузатувда

Бугунги кунда Марс сайёрасини кенг тадқиқ қилиш дунё олимларининг асосий мақсадларидан бирига айланган.

Шу ниятда Япония космик агентлиги Токио университети билан ҳамкорликда 2018 йили Марсга махсус апаратларни учирлишни режалаштирмоқда. «Новости» ахборот агентлиги хабарига кўра, «қизил сайёра» иккита сунъий йўлдош ёрдамида ўрганилади. Бу тадқиқот ёрдамида, асосан, Марсда сувнинг бор ёки йўқлиги, агар мавжуд бўлса, у қачон ва қандай ҳолатда юзага келгани аниқланади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиали

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

РКТАБ Самарқанд филиалининг савдолар залида 2009 йил 25 май кунини соат 11.00 да объект бошлангич баҳоси юқорилаб борувчи очик аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қайтадан кўйилганлиги маълум қилинади:

Жануар ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 25 декабрдаги ЖСК-1-481/2008-сонли ижро варақасига асосан, Суд департаменти Самарқанд вилояти худудий бошқармаси томонидан савдога қўйилган, «Парвина курувчи ПВС» МЧЖга тегишли мол-мулклар (ускуна ва жиҳозлар, сантехника жиҳозлари, офис мебеллари, маиший техника воситалари ва бошқа мулклар).

Бошлангич баҳоси — 173 786 264 сўм.

Мазкур аукцион савдосида сотилмай қолган мулкларнинг такрорий савдоси шу йил 15 июнь кунини соат 11.00 да ўтказилади.

Ушбу мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили ёки биржа вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтайтилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагини талабгорлар объект бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдоридagi закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — РКТАБ Самарқанд филиалининг АТБ «Узсаноатқурилишбанк» Самарқанд минтақавий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тулашлари шарт: 20208000404460401001, МФО 00317, СТИР 206074208.

Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 148-уй, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси биноси, 1-қават, 1-хона.
Телефон: (8-366) 234-06-38.

«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ»

КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

Уруш ва меҳнат фахрийларини, отахону онахонларимизни

Хотира

Ва қадрлаш кунини

билан чин қалбдан қутлайди.

9 Май

Сизларнинг мардонавор матонатингиз ва фидокорлигингиз олдида доимо бош эгамиз.

Биз — ёш авлодлар бахтига доимо омон бўлинг.

Ҳамиша юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Спорт • Sport • Спорт

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН

Юртимизда болалар спортга берилган эътибор ўз самарасини кўрсата бошлади. Жаҳон ва қитъа спорт майдонларида ҳамюртларимизнинг совринли ўринларини қўлга киритиши одатий ҳолга айланди.



Жорий йилнинг 1-6 май кунлари Хиндистонда катталар ва ёшлар ўртасида пауэрлифтинг (уч кўраш) бўйича ўтказилган навбатдаги Осиё чемпионатида ҳам спортчиларимиз муваффақиятли иштирок этди.

Қитъанинг 40 га яқин мамлакатидан келган қарийб 600 нафар спортчи орасида Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари 13 та олтин, 8 та кумуш ва 3 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида фарҳали учинчи ўринни эгалладилар.

Музаффар спортчиларимиз Тошкент халқаро аэропортида катта тантана билан қутиб олинди.

— Пауэрлифтинг Олимпиада уйинлари қаторига киритилиши лойиқ спорт турларидан саналади, — дейди Республика пауэрлифтинг федерацияси президенти Эркин Қодиров. — Бугун мазкур спорт тури дунёдаги 100 дан ортиқ мамлакатда кенг ривожланган. Юртимизда ҳам уни омалаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Мусобақага яхши тайёргарлик кўрганлик, натижа ҳам қўлга киритилди.

Осиё чемпионатида Алёна Сомова (52 кг.), Константин Хордин (90 кг.) ва Дмитрий Колотвинов (67,5 кг.) тўрттадан олтин медалга сазовор бўлдилар.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Наманганлик полвонлар муваффақияти

Фарғонада белбоғли кураш бўйича ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида Наманган вилояти вакиллари муваффақиятли иштирок этдилар.

Мусобақада тўрақўрғонлик Рустам Умаров, Жаҳонгир Абдулҳаев, Нуриддин Фозиев, Шўхрат Бозоров, Уйчи туманидан Бахтиёр Турғунпўлатов шохсупанинг юқори поғонасидан жой олишди.

Ғолиблар жорий йил Тошкент шаҳрида бўлиб ўтadиган VIII жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилишди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ғолиблар қитъа чемпионатида боради

Қорақалпоғистонлик оғир атлетикачилар мамлакат ва халқаро миқёсда уюштирилмайдиган мусобақаларда доимо совриндорлар сафидан жой олиб келишди.

Кунни кеча Чирчиқ шаҳрида оғир атлетика бўйича яқунланган Ўзбекистон чемпионатида ҳам улар ўз анъаналарига содиқ қолдилар.

Шунингдек, чемпионатда Гулнора Нурлибоева кумуш, Қундуз Пердибоева эса бронза медални билан тақдирланди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Умид ниҳоллари»дан умид катта

Жиззахлик ўқувчилар «Умид ниҳоллари — 2009» спорт уйинларининг республика босқичига қизгин ҳозирлик кўришмоқда.

— Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Универсиада», «Баркамол авлод» ва «Умид ниҳоллари» мусобақалари ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва спортни омалаштиришда муҳим омил бўлиб келиб келмоқда. — дейди бокс бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, «Ешлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят кенгаши раиси ўринбосари Лазизбек Зоқиров. — «Умид ниҳоллари — 2009» мусобақасининг вилоят босқичида 1500 нафар ўқувчи спортнинг 12 тури бўйича ўзаро беллашди.

Унда Жиззах шаҳри, тумани ва Пахтакор тумани ўқувчи-спортчилари энг яхши натижага эришдилар.

Ҳозир вилоят терма жамоасига саралаб олинган 128 нафар спортчи тажрибали мураббийлар бошчилигида машғулотларда қатнашмоқдалар.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт • Sport • Спорт

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари университетнинг немис тили лексика ва стилистика кафедраси доценти Асқар АЛИХЎЖАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси иссиқлик энергетикаси кафедраси доценти Абдуғафур Ғасарбоевич АЛИМБОЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — А. Қаримов. Навбатчи — С. Раҳмонов. Мусахҳас — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲА ақуни — 20.10 Топширилди — 22.15

Тел. 233-70-33. Сайт: www.pochta.uz. Факс 236-36-48. E-mail: oao@post.uz

Бухоронинг янги марказий бозорида бўлган киши бу ердаги нақшу нигорли устунларни кўриб ҳайратга тушиши, шубҳасиз. Ёғоч ўймакорлиги асосида ишланган ушбу амалий санъат намуналари шарқона меъморчилик анъаналарини ўзида тўлиқ мужассам этган. Бухороликлар бозорга миллий қиёфа, ўзгача тароват бахш этиб турган бу устунлар ҳақида гап кетганда, уста Собиржон Болтаевнинг номини тилга олишди.

КАДРИЯТЛАР ҚАДР ТОПДИ

Зеро, уста шу касби туфайли нафақат ўзи яшайдиган Бухоро туманида, балки вилоятда ҳам доврўқ қозонган.

— Пойтахтимиздаги Беньков номидаги расомлар тайёрлаш билим юртининг ёғоч ўймакорлиги бўлимида тахсил олганман, — дейди Собиржон ака. — Биласиз, бу касб кишидан кунт ва сабр-тоқатни талаб қилади. Шу боис касб танлашда дастлаб бир оз иккиланганман. Миллий кадриятларимизнинг қадр топишига ҳисса қўшиш —

хайрли иш. Шуни ўйлаб, асрлар оша такомиллашиб келаётган ёғоч ўймакорлиги хунарини ўрганишга бел боғладим.

Уста янглишмаган экан. Ҳозир унинг устaxonасио хонадонидан ми- жозлар қадами узилмайди. Кимгадир нақшкор дарвоза, кимгадир ус- тун, кимгадир дерезаю ром керак. Собир ака кунт билан ишлайди. Бу- юртмаларни рисолада- гидек бажаради. — Ҳаммасидан ҳам кўра, одамларнинг бу

нақшинкор устун ёки дарвозани қайси қўлигул уста ясади, деб сўрашганини эшитганимда ро- хатланаман, қилаётган

Буни ушбу зиёратгоҳга келганлар ҳам бот-бот эътироф этишяпти. Уста кўҳна Бухоронинг тарихий обидаларини синчиқлаб ўрганиб, қадимий ёғоч ўйма- корлиги намуналаридан нусха олади, уларга ижодий ёндашиб, бежирим санъат намуна- ларини яратди. Бугун устанинг ўндан зиёд шо- гирди бор. Улар ҳам ёғоч ўймакорлиги санъ- атини кунт билан ўрга- нишяпти. Собиржон ака эса ишлаб толмай- ди, аксинча, меҳнат

тулар, эшик-ромлар зeb бериб турибди.

— Бунёдкорлик иши- да шарқона услуб ўз қадр-қимматини йўқот- майди, — дейди уста. — Бугунги кунда нафақат катта иморату иншоот- лар, балки аҳоли турар- жой биноларида ҳам ёғоч ўймакорлиги наму- наларидан кенг фойда- ланиш қайта урфга ки- раяпти. Бу — миллий кадриятларимиз, анъана- ларимиз қадр топаётган- дандан далолат.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Амалий санъат

ишимдан, танлаган кас- бимдан завқланаман, — дейди уста. Баҳоуддин Нақшбанд, Саид Мир Кулол, Ҳўжа Азизон қадамжолари ҳам Собиржон ака томо- нидан ясалган дарвозаю устунлар билан янада кўркли, янада тароватли.

ТАСВИРДАГИ МЎЪЖИЗА


Кўргазмага ташриф буюрган рангтасвир илхосмандларига «СЭВИЖ-ТРЕЙДИНГ» қўшма корхонаси томонидан чоп этилган расмлар каталоги ҳам тақдим этилди.

Кўргазмадан таниқли ижод- корнинг маҳобатли рангтасвир,

яъни, асосан, деворларга солинган суратлари, дастохли рангтасвирлари ўрин олган. Санъат илхосмандлари «Ма- хобатли тераклар», «Сой бўйидаги уй», «Чодакда тонг», «Тоғ этагидида ҳовли», «Кўёшли кун» сингари ўнлаб

асарларни ҳаяжонланиб томоша қилишди. Айниқса, Фирдавсийнинг машҳур «Шохнома» асарига ишланган эскизлар кишида унутилмас таассурот қолдиради. Мўъжама устанининг асарлари Республика давлат санъат музейи, Кўзон ўлкашунослик музейи, юртимиз ва хориждаги шахсий кўргазмалардан ҳам муносиб ўрин олган.


Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Xush kelibsiz!

«Samsung Electronics» kompaniyasi Koreya Respublikasining Prezidenti janob Li Myon Bakning

O'zbekiston Respublikasiga rasmiy tashrif buyurganligi munosabati bilan ushbu kompaniyamiz faoliyati mamlakatlarimiz o'rtasidagi faol hamkorlikning yanada rivojlanib borishiga ko'mak berishidan g'ururlanamiz. Mazkur hamkorlik O'zbekiston va Koreyaning siyosiy va iqtisodiy sohalaridagi munosabatlarini mustahkamlashga xizmat qiladi hamda ushbu mamlakatlarning yanada ravnaq topishi uchun barqaror asos soladi.



СЭВОДИМ

Ватан, сен ой, офтобим,
Хосиятли «тузуг»им.
Кутлуғ хоки туробим,
Гийёларингни севдим.
Ичсам таъми гулобим,
Дарёларингни севдим.
Шашмақомли рубобим,
Наволарингни севдим.

Сен аил бобом қолдирган,
Хосиятли «тузуг»им.
Баланд-баланд дарахтлар
Илдизда озиғим,
Минг шукр, пешонамга,
Худо берган ёзиғим,
Кафта олиб юргоним
Хипларингни севдим.

Кечмишингни арақлаб
Гоҳо сел-сел тўкилуғим,
Оҳанг кўрсам, бўғзимга
Тошлар тўлар, тиқилуғим.
Ватан дея жон берган
Улуғларга йиқилуғим,
Ёт гулашини на қилуғим,
Саҳраларингни севдим.

Ишқ оҳангга эврулса
Мен найга айланурман,
Икки қароғим соқий
Хуш майга айланурман.
Сен аршини, сен меърожим,
Бағрингдаги бир хўрман,
Замира деб чорлаган
Садаларингни севдим.

Замира РҲЗИЕВА.

ТАФАККУР ДУРДОНАСИ

Миллий мафкура эса мазмунан миллий, шаклан умуминсоний кўриниш касб этмоқда. Бунга халқнинг миллий урф-одатларига илхос-этиқидининг тобора ошиб, ўсиб бораётганини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Зеро, илоҳ дини ҳам жаҳоний ва инсонийлик дини бўлиб, у бизга поклик, диёнат, яхшилик, инсоф, меҳр-оқибат, ватанпарварлик ва бошқа чин инсоний фазилатларни ўргатади.

Маънавият

Кундалик ҳаётимизда, миллий урф-одатларимизда ҳам биз билган, билмаган масалалар ҳамон оз эмаски, аслини олганда, бундай умумоларнинг келиб чиқишига кўпинча ўзимиз, миллий удумларимизга, бой маънавий меросимизга эътиборсизлигимиз, лоқайдлигимиз сабаб бўлмоқда.

Дарҳақиқат, мусулмон халқи азал-азалдан ўзининг диди, но- зиктаъблиги, зукколиги, мадан- ний-маърифий, маънавий ме- росга эғалиги билан шўхрат қозонган. Тарихнинг гувоҳлиги беришича, Мовароуннаҳрда яшаётган халқлар бу борада ҳеч кимдан кам эмаслиги, ҳатто улардан устунлиги исботланган. Зеро, табиат ғўзаллигини кўра- диган кўз, ўндан баҳра олади- ган қалб ва умри бахтли ҳаётга айлантирадиган ақл неъмат- лари — бари-бариси чуқур тарбия воситасидир.

Келинг, гапни барча муноса- батнинг, иззат-ҳурмат, меҳр- оқибатнинг «бисмиллоси» — са- лом-алейҳидан бошлайлик. Зеро, унда кўп мазмун, чин инсоний- ликнинг, ўзаро меҳр-муруват, садокат, поклик, соғлиқ-омон- ликнинг ёрқин кўзгуи мўъжа- сам. Салом-алейҳидан оламга ҳаётлий маъно-мазмун бор. Ил- гари (ҳозир ҳам шундай одам- лар унча-мунча топилди) биродарлар, оғайнлар бир ҳовлида ақил-иноқ яшаганлари ҳолда, ҳар эрталаб уйқудан турганла- ридан сўнг ҳовлига чиқиб, яна эсон-омон кўз қиришганла- ри учун Аллоҳга шукроналар қилиб, кучоқлашиб кўри- шган. Сабаби, ўртада меҳр-оқибат, қон-қарин- дошлик ҳисси кучли бўлган.

Афсуски, баъзида сами- мий саломлашиб, хол-аҳвол сўрашиш, икки қўллаб кўри- шиш ўқда турсин, кўпин- ча ёшлар узокдан қўл

кўтариб ё бош қимирлатиб бир- бирига «салом!», «о, кей!», «три- вет!» деб кетаверишди. Бундай юзаки саломлашиш ноҳосиз бўлиб, у ҳурматсизлик, миллий гурур, урф-одатимизга яраш- майдиган қилиқ, албатта.

Авалламбор, саломлашиш шартларини тўла англаш учун унинг асл маъносини, руҳий-ақ- лоқий моҳиятини билмоқ даркор. «Салом» сўзи тинчлик, осойиш- талик маъносини ан- глаштириши барча билади. Ҳадисларда қайд қилинишича, бир одам бошқа одам билан учраш- ганда чин юракдан, самимий са- лом бериши, саломдан сўнг хол- аҳвол сўрашиши, Аллоҳ назди- даям, Расулulloҳ наздидаям яхши амал, улўғ иш саналган. Алломалар «Ўз хонадонингга кирганда ҳам оила аъзоларинг- га салом бериши қанда қилма», дейишган. Одамларга салом бе- риш ҳамиша юракдан, самимий бўлмоғи лозим. Чунки инсон ва унинг ахлоқ-одоби, ўзгаларга меҳр-содоқати, ҳурматини белгиладиган энг яхши одат, фазилат ҳисобланмиш самимий саломлашиш ҳар кимнинг нечоғ- ли тарбия кўрганлигини исботлайди.

Дейлик, биров билан муҳим масала устида сўбатлашибми, бахслашибми турибсиз. Шунда бир «билармон», «маҳмадона», ўртага хира пашадек суқилиб кириб, сўхбату кайфиятингни бузади. Баъзида бунинг акси ҳам бўлиши мумкин, яхшининг сўх- батию маслаҳати эса ҳамиша ки- шига хуш ёқди, нафи тегади.

Баъзан ўйламай-нетмай ай- тилган бир оғиз ноҳўн сўз ки- шини қаттиқ ранжитди, кўнгил кўзгусини чилларчин қилади, ҳатто орада дўстлик, ошна-оғай- нилик торини ўзиб, одамларга нисбатан бўлган ишонгга рах- на солади.

Ҳамиша ҳам турмуш силлик кетавермайди. Аммо ҳар қандай шароитда ҳам инсон ўз инсон- лигини унутмаслиги лозим. Халқ турмушига, шу жумладан, маъ- навий ҳаётимизга чуқур сингиб кетган Қуръони карим сурала- рида ваҳий этилган, инсондаги жамики яхши хислатлар, олий фазилатларга амал қилиш бур- чимиздир. Зеро, сўз — ижроси билан ғўзал. Демак, сўзга амал қилмоқ жоиз. Сўз ва амал уйғунлиги инсонни бебайди.

Ақбар УСМОНОВ, журналист.

1992-2008 йилларда чиқарилган Ўзбекистоннинг мавзули ва йиллик почта маркалари, блок ва кичик варақларни, кляссер ва буклетларга жойлаштирилган марка тўпламларини тақдим этади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонулчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазиран Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 46571 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета тахририят компьютер марказида терялди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қаримов.
Навбатчи — С. Раҳмонов.
Мусахҳас — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲА ақуни — 20.10 Топширилди — 22.15